

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИЛГОР ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ ВА МАМЛАКАТИМИЗДА ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Элмирзаев С.Э., Шавкатов Н.Ш.

Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон

Мақолада инкрасруктура лойиҳалари таҳлили, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар дунё мамлакатлари тажрибасида ўрганилиб, бундай муносабатларни ривожлантириш борасидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар. Давлат-хусусий шериклиги, инфраструктура лойиҳалари, инновацион лойиҳалар, концессия шартномаси, маҳсулот тақсимотида оид битимлар

В статье анализируются инфраструктурные проекты, экономические отношения между государственным и частным секторами, а также делаются выводы, предложения и рекомендации по развитию таких отношений.

Ключевые слова: государственно-частные партнерства, инфраструктурные проекты, инновационные проекты, концессионные соглашения, соглашения о разделе продукции

КИРИШ

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кузатишимиз мумкинки, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, йирик инфраструктура лойиҳаларини самарали амалга ошириш мамлакатда ижтимоий инфратузилмани яхшиланишида катта рол ўйнамоқда. Бу борада ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан саналади. Хусусан, G20 мамлакатлари ҳамда бошқа ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг давлат-хусусий шериклик муносабатлари борасида тажрибаларини ўрганиб, бевосита, бу борадаги муваффақиятли амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш, айниқса, аҳамиятлидир.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омиллар транспорт, энергетика, коммунал хизматлар каби инфратузилма тармоқларининг етарлича ривожланмаганлигидадир. Шунингдек, ушбу тармоқларда инфратузилма объектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича зарур инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларнинг етишмаслиги ва замонавий технологияларни жалб этиш даражасининг пастлиги асосий муаммолардан ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этишда дунё амалиётида энг самарли усуллардан бири давлат-хусусий шериклик асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим муассасаларини ташкил этишда давлат-хусусий

шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар [1]. Дарҳақиқат, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида бундай амалиётнинг жорий этилаётганлиги, мактаб таълими ва олий таълим тизимида ҳам бундай амалиётнинг жорий этилиши мамлакатимиз таълим тизимини ривожланишининг янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Шунингдек, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнида давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенгайтириш алоҳида масаладир. Бевосита бу соҳада ҳам бундай амалиётнинг кенг жорий этилиши тармоқнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Шу билан биргаликда, Президентимиз мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик асосида маданият истироҳат боғларини ташкил этиш, коммунал хўжалик соҳасида инвесторлар билан ҳамкорликда ДХШ лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида таъкидлаб ўтдилар[1].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Инфраструктурага инвестициялар, хусусун, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилиши масалари бўйича бир қатор иқтисодчи олимлар ўз илмий ишларида тадқиқ этганлар.

Непаллик олим Бикрам Шаҳининг фикрича, Инфраструктурани ривожлантириш истиқболларини белгилаш – ҳудудлар ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий мақомини, турмуш даражасини ва атроф-муҳит аҳволини таҳлил қилиш учун тўғри ва аниқ ёндашувни намоён қилади. Инфратузилмага инвестициялар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг қоқ марказида туради[2].

Нурске (1953) томонидан билидирлган ишлаб чиқариш салоҳиятига хизмат қилувчи элементлардан ташкил топган инфраструктура таъсири олдиндан белгилаб қўйилди, шунингдек, кичик тармоққа ўхшаш бўлган инфраструктура аслида жуда муҳим ва аҳамиятли эканлиги уни шакллантиришда энг ДХШ амалиёти муҳим эканлиги таъкидлаган. Ҳирсчман (1958) ва кейинчалик Биеҳл (1994) инфраструктурани давлат хизматларини таъминловчи капитал сифатида қайд этган. Инфратузилма табиатан йўлнинг кесишма жойига ўхшайди, яъни мақсад ёки исталган натижа (ишлаб чиқариш, транспорт, коммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим) мақсадларига эришиш учун ҳукумат ёки бошқарув субъектлари томонидан кучли хусусий сектор билан биргаликда амалга оширилса муваффақиятли ҳисобланади[3,4,5].

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш миллий маркази (Россия Федерацияси) томонидан ўтказилган «Просто и честно об инвестициях в инфраструктуру и государственно-частном партнерстве в России» (2019), «Государственно-частное партнерство в странах евразийского экономического союза» (2018), «Проект национального доклада о привлечении частных инвестиций в развитие инфраструктуры и применении механизмов государственно-частного партнерства в Российской Федерации» (2018) тадқиқотлар ва таҳлилларида айнан инфраструктурани ривожлантиришда

давлат-хусусий шериклик муносабатларининг аҳамиятли жиҳатларига гувоҳ бўлиш мумкин. [6].

Иқтисодчи олим Н.Н.Обломуродовнинг тадқиқот ишларида давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида йўл қурилиши ва транспорт инфраструктураси, муқобил энергия манбалари, ижтимоий объектлар, шу жумладан, туризм инфраструктураси объектларини қурилиши каби устувор соҳаларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган [7].

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) мамлакат ва ҳудудий миқёсдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг самарали воситаси бўлиб, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан назоратни ушлаб туриш ва хусусий сектор билан самарли иқтисодий ҳамкорликни ўрнатишга қаратилган инвестицион лойиҳаларга маблағлар жалб қилиш ва амалга ошириш воситаси ҳисобланади.

ДХШ асосидаги инвестицион лойиҳаларда хусусий сектор давлат томонидан белгиланган шартлар ва талаблар асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқариш вазифаларини амалга оширади.

Ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ҳар қандай мамлакатнинг узоқ муддатли иқтисодий ўсишини қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан биридир. Инфратузилманинг етарли даражада шаклланмаганлиги иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилади, аҳоли учун кўрсатилаётган хизматлар сифатига салбий таъсир кўрсатади ва тадбиркорлик фаолияти жадаллигини пасайтиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда давлат-хусусий шериклиги асосида дунё амалиётида мамлакат инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиётида давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш учун турли хил моделлар, шакллар, турлар ва ўзига хос имкониятлар мавжуддир. Давлат-хусусий шериклиги асосидаги лойиҳаларни самарадорлигини аниқлашда, энг аввало, унинг шартнома шакли муҳим аҳамиятга эга (1-жадвал).

Давлат-хусусий шериклик асосидаги инвестицион лойиҳалар– бу давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўрта ёки узоқ муддатга тузилган шартномалар асосида ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этиш учун тузилган ҳамкорлик асосида амалга оширилувчи лойиҳалардир. Бундай лойиҳалар амалга ошириш мамлакатимизда инфраструктурани яхшилаш, коммунал соҳа, транспорт, энергетика тармоқларини ривожлантириш, пировардида мамлакат иқтисодиётини тараққий этиш имконини беришини ривожланган дунё мамлакатлари ўз тажрибаларида исботлашмоқда. Айнан, шу жиҳатлар ДХШ амалиётини Ўзбекистонда ривожлантириш аҳамиятини ифодалайди.

Давлат-хусусий шерикликнинг шартнома шакллари)¹

№	ДХШ шакллари	Мазмуни
1.	Давлат-хусусий шериклик шартномаси	Давлат (маҳаллий бошқарув) ва хусусий сектор ўртасида муайян ижтимоий аҳамиятга эга ва фойдали фаолиятни амалга ошириш учун тузиладиган маъмурий-хўжалик келишуви. ДХШ амалиётида энг кенг тарқалган ишлар - давлат хизматларини кўрсатиш, бошқарув учун, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни етказиб бериш, техник ёрдам кўрсатиш учун ишларни бажариш учун шартнома тузилиши мумкин. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда мулкӣ ҳуқуқлар хусусий шерикларга ўтказилмайди, харажатлар ва молиявий йўқотишлар давлат томонидан қопланиши мумкин.
2.	Ижара (ижарашартнома лари) ва лизинг шаклида	Шартнома билан белгиланган шартлар асосида, давлат ёки маҳаллий ҳокимиятнинг инфраструктура объектларини вақтинчалик фойдаланиш учун ва маълум бир ҳақ эвазига хусусий шерикка ўтказилади. Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи ҳар доим давлат ёки маҳаллий ҳокимият мулкни сотиб олиш ҳуқуқига эга. Давлат ёки маҳаллий ҳокимият ва хусусий шерик ўртасидаги ижара муносабатларининг сақлаб қолиниши мулкни вақтинчалик ишлатиш ва муайян ҳақ эвазига ўтказиш ҳисобланади
3.	Концессия шартномаси	Давлат-хусусий шериклик шартномасининг махсус шаклларида бири бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ёки хусусий сектор (концессионер) концессия объектини ишлаб чиқадиган ва унинг фаолиятдан (даромад олишдан) тушадиган ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни (концессия объектини) амалга оширишга қаратилган давлат-хусусий ҳамкорлик шаклидир, бунда давлат сектори (грантор) концессия объектига эгалик қилади ва назоратни сақлаб қолади.
4.	Маҳсулот тақсимотида оид битимлар	Давлат хусусий инвесторга ер қаъридаги минерал хом ашёларни излаш, қидириб топиш ва қазиб олиш ҳамда муайян муддатда улардан фойдаланиш билан боғлиқ иш учун муайян ҳуқуқларни берадиган шартнома ва хусусий сектор ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириб, ўзи рискларни ва хавф-хатарларни ўз зиммасига олади.

Турмуш фаровонлигини белгиловчи инфратузилма объектларини яратиш, сақлаб туриш билан боғлиқ харажатларга ҳар йили дунё бўйича катта маблағ сарфланади. Аммо, бу харажатларни қилмасликнинг ҳам иложи йўқ. Агар рақамларга ва прогноз кўрсаткичларга эътибор қаратадиган бўлсак, дунё мамлакатлари айнан мана шу тармоққа жуда катта эътибор қаратаётганлигини гувоҳи бўламиз (2-жадвал).

Дунё амалиётида, айниқса, ривожланган давлатларда инфратузилмага инвестицияларини хусусий сектор иштирокида амалга ошириш яхши анъанага айланган. Хусусан, Дунё бўйича 2018 йилда инфраструктурага 2.6 триллион доллар инвестиция йўналтирилган. Бу кўрсаткич эса 2040-йилга бориб 42 фоизга ўсиб, 3.7 триллион долларга етиши кутилмоқда(2-жадвал).

Инфреструктура учун дунё бўйича бунча катта маблағ сарфланишига қарамасдан бугунга келиб дунёда бевосита инфраструктура учун маблағларнинг етишмовчилиги мавжуддир. Хусусан, бу кўрсаткич 2019 йилда дунё бўйича 427миллиард долларни ташкил этади. 2040 йилгача эса бутун дунё

¹Изланишлар натижасида муаллиф томонидан тузилди.

учун қилиниши назарда тутилган инвестициялардан ташқари яна 14 триллион доллар маблағга эҳтиёж бўлиши кутилмоқда. Давлат-хусусий шериклиги - жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш учун миллий иқтисодиётнинг ижтимоий аҳамиятга эга ва ривожланиши суи бўлган тармоқларини ривожлантириш мақсадида давлат ёки маҳаллий ҳокимияти ва хусусий сектор ўртасидаги қонуний ва институционал муносабатлар тизимидир. Ушбу тизимнинг асослари тенг ҳуқуқлилиқ, оқилона ҳамкорлик, рискларни ва даромадларни адолатли тақсимлаш, давлат ва хусусий секторнинг саъй-ҳаракатлари бирлашувига асосланган бўлади.

2-жадвал

Дунё мамлакатларининг инфраструктура учун инвестициялари динамикаси, трлн. долларда[8]

Минтақалар	2018	2025	2030	2035	2040
Дунё бўйича	2,6	2,9	3,2	3,5	3,7
<i>шундан:</i>					
Осиё	1,5	1,7	1,9	2,1	2,3
Шимолий ва Жанубий Америка	0,5	0,5	0,6	0,6	0,6
Европа	0,5	0,5	0,5	0,6	0,6
Африка	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2

Дунё малакатларининг инфраструктураси асосий тармоқлари кесимда 2.6 трлн. доллар инвестициялар сарфланган бўлса, улардан 49.6 фоизи (1292.8 млрд. доллар) бевосита транспорт соҳасига йўналтирилган инвестициялардир. Шу қаторда энергетика, ахборот-коммуникациялар тармоғига ва сув таъминоти тизимига мос равишда 32.6%, 10.5% ва 7.2 % ини ёки 1312.7 млрд. долларни ташкил этмоқда. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг инфраструктура бозорларни тадқиқ этувчи The Global Infrastructure Hub ташкилоти томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра 2030 йилга бориб инфраструктурага инвестициялар ҳажми 2018 йилга қараганда 26 фоизга кўпроқ ёки 3.3 трлн. доллар малағлар йўналтирилиши айтилмоқда. Ёки 2040 йилда бу кўрсаткич 3.813 трлн. долларга чиқиши прогноз қилинмоқда (3-жадвал).

The Global Infrastructure Hub ҳалқаро ташкилотининг бош мақсади - давлат ва хусусий сектор ўртасидаги узулишларда боғловчи вазифасини бажариш ва хусусий секторнинг инфраструктурадаги улушини кўпайтиришга ёрдам бериш, ҳукуматлар учун зарур бўлган ижтимоий инфратузилмани молиялаштириш учун миллиардлаб доллар миқдоридagi хусусий инвестицияларни очишга ёрдам бериш, самарали иқтисодиётни яратиш ва яшаш учун қулай ва ривожланган шаҳарларни яратишга кўмаклашишдир. Ташкилот томонидан олиб бориладиган тадқиқотларда дунё мамлакатларининг инфраструктурасига йўналтирилаётган инвестициялар ва кейинги даврлар учун керак бўладиган маблағларнинг прогноз кўрсаткичларини эълон қилиб бормоқда.

Инфраструктуранинг асосий тармоқларига глобал инвестициялар ҳажми, млрд. долларда[8]

Инфраструктура тармоқлари	2018	Жамига нисбатан фоизда	2030	2040
Транспорт соҳасига	1292,8	49,6%	1664,2	1943,7
Энергетика	850,3	32,6%	1060,5	1232,8
Ахборот-коммуникация соҳасига	273,6	10,5%	319,1	359,2
Суввасувтаъминоти	188,8	7,2%	236,4	277,1
Жами:	2605,5	100%	3280,20	3812,80


Юқори сифатли инфратузилма учун инвестициялаш мамлакатда йирик иқтисодий ўсишга иш ўринларини яратиш ва солиққа тортиладиган даромадларнинг кўпайтирилишга ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу жараёнлар илгари эътироф этилмади, аммо Осиё тараққиёт банки тадқиқот институти (ADB) каби ташкилотлар сифат инфратузилмаси яратиш орқали эришиладиган ижобий натижаларни аниқлаш учун тадқиқот иши олиб бордилар. Ўзбекистонда Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл линиясининг очилиш лойиҳаси натижасида ҳудуд учун ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2 фоизга, саноатда 5 фоиз, хизматлар соҳасида 7 фоиз кўрсаткични ташкил қилди [9].

Хорижий мамлакатларда инфраструктурага инвестициялар ҳажминини The Global Infrastructure Hub халқаро ташкилоти маълумотларига асосан таҳлил қилсак, энг катта улуш Хитойга тўғри келади (3263646 млн. доллар), бироқ мамлакатнинг халқаро инфраструктура рейтинги(QI)да 4.7 бўлиб, бу кўрсаткич ривожланган давлатлар ўртача рейтинги (5.5) дан камроқдир. Дунё бўйича ЯИМ улуши энг кўп давлат бўлган АҚШ учун инфраструктурага инвестициялар ЯИМнинг 7 фоиздан кўпроқ қисмини ташкил этмоқда. G20 га кирувчи малакатлар орасида Япония сўнги 5 йил давомида инфраструктурага 552 млрд. доллар сарфланганлигига қарамадан дунё мамлакатлари инфраструктура рейтингида 6.3 кўрсаткични қайд этди. Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея мамлакатлари сўнги 5 йилда 975 млрд АҚШ доллари миқдори инвестиция сарфлашган ва кўрсаткич АҚШ да сарфлаганидан 287 млрд. долларга камроқдир. Бироқ, АҚШ QI рейтингида 5.9 кўрсаткич билан бу давлатларнинг барчасидан пастдан ўрин олган (4-жадвал).

G20 мамлакатларида инфраструктурага инвестициялар таҳлили²

Давлатлар	ЯИМ (млн.доллар)	Аҳоли жон бошига ЯИМ (доллар)	Аҳоли сони (млн.ки- ши)	Инфраструк-турага инвестициялар (сўнгги 5 йилда) (млн.доллар)	Инфраструк-турага хусусий инвестициялар (сўнгги 5 йилда) (млн.доллар)	Инфра структура рейтинги (QI, 1-7) (млн.долла)	Инфраструктура инвестициялар- нинг ЯИМга нисбати (фоизда) 8=5/2	Бир кишига тўғри келувчи инфраструктурага хусусий инвестициялар, (долларда) 9=6/4
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>
Япония	4 123 258	32 486	126,9	552 048	8 810	6,3	13,39%	69,4
Германия	3 357 614	40 997	81,9	214 137	20 290	6,1	6,38%	247,7
Франция	2 421 560	37 675	64,3	262 901	40 484	6,1	10,86%	629,6
Буюк Британия	2 849 385	43 771	65,0	300 876	8 094	6,0	10,56%	124,5
Жанубий Корея	1 376 868	27 195	50,6	197 236	5 648	6,0	14,32%	111,6
АҚШ	17 947 000	55 805	321,6	1 262 154	167 681	5,9	7,03%	521,4
Канада	1 552 386	43 332	35,8	203 658	36 132	5,7	13,12%	1009,3
Австралия	1 223 887	50 962	24,0	207 252	77 518	5,6	16,93%	3229,9
Италия	1 815 757	29 867	60,8	157 615	18 341	5,4	8,68%	301,7
СаудияАрабистони	653 219	20 813	31,4	126 244	12 478	5,1	19,33%	397,4
Россия	1 324 734	9 055	146,3	277 304	6 063	4,9	20,93%	41,4
Хитой	10 982 829	7 990	1 374,6	3 263 646	10 037	4,7	29,72%	7,3
Туркия	733 642	9 437	77,7	102 043	49 225	4,4	13,91%	633,5
Мексика	1 144 334	9 009	127,0	75 969	12 289	4,3	6,64%	96,8
Индонезия	858 953	3 362	255,5	180 784	8 904	4,2	21,05%	34,8
ЖАР	312 957	5 695	55,0	60 915	13 915	4,2	19,46%	253,0
Ҳиндистон	2 090 706	1 617	1 292,7	355 193	68 677	4,0	16,99%	53,1
Бразилия	1 772 589	8 670	204,5	331 824	20 471	4,0	18,72%	100,1
Аргентина	585 623	13 589	43,1	119 057	52	3,7	20,33%	1,2
Ривожланган давлатлар	1 508 956	36 244	37,5	138 796	20 012	5,5	9,20%	533,7
Ривожланаётган давлатлар	1 123 023	5 623	215,3	266 618	13 017	3,9	23,74%	60,5

²Муаллиф томонидан халқаро ташкилотлар маълумотлари асосида тузилди.



1-расм. G20 мамлакатларининг инфраструктурага инвестициялар таҳлили³

Бир кишига тўғрикелувчи инфраструктурага хусусий инвестициялар ҳажми бўйича энг катта улуш Австралия ва Канадага тўғри келади. Бу борада энг паст кўрсаткич Хитой ва Аргентинага тўғри келмоқда (1-расм). Шунингдек, иқтисодиётнинг бугунги шароитида давлат-хусусий шериклик асосидаги инфраструктура лойиҳалари учун хусусий инвестицияларни йўналтириш ва хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар ва имкониятлар яратиш ҳамда устувор йўналишларни белгилаш, ижтимоий лойиҳаларига хусусий инвестицияларни жалб этишнинг оптимал механизмларини жорий этиш йўллари илмий тадқиқ этишга эътиборни кучайтириш талаб этилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Давлат-хусусий шериклигини фақатгина ижтимоий-маданий соҳа ҳамда инфраструктурани ривожлантириш даражасини белгиловчи омил сифатида эмас, балки, мамлакат иқтисодиётини ривожланишини янги босқичга олиб чиқадиган алоҳида дастаклардан бири сифатида эътироф этиш лозимдир. Яқин келажакда давлат-хусусий шериклигини амалга ошириш бўйича лойиҳалар базасини яратиш ва очиқ, реал маълумотлар билан шакллантириб бориш ва мунтазам таҳлил этиб бориш, ДХШ лойиҳалари учун тренинг тизимини яратиш, инфратузилмани ва ижтимоий соҳани қўшимча ривожлантириш борасида изчил ишларни белгилаш, энг муҳими, давлат шеригини танлашда шаффоф ва адолатли тизим ишлаб чиқиш лозимдир.

³Муаллиф томонидан халқаро ташкилотлар маълумотлари асосида тузилди.

Бу борада қуйидагиларни амалга оширишни таклиф этиш мумкин:

➤ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигида ДХШ асосидаги инвестицион лойиҳалар базасини шакллантириш ва ҳар қандай хусусий сектор вакиллари ушбу лойиҳалар ҳақида маълумотга эга бўлиши лозим. Ушбу базада инвестицион лойиҳаларни республика ёки маҳаллий даражада эканлиги, қайси ҳудудда амалга оширилиши, қайси тармоқ ёки соҳаларни қамраб олиши ва жорий ҳолати (режалаштирилаётган, тендер жараёнида, қурилиш ва эксплуатация ва бошқалар) ҳақида маълумот бериб борилиши лозимдир. Шунингдек, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг қиймати, амалга оширилиш даври, алоҳида хусусиятлари, хусусий шерик ҳақида маълумотлар ҳам бериб борилиши лозимдир.

➤ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли органи сифатида:

- мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган инфраструктура лойиҳалари ҳисобини юритиши, унга йўналтираётган ва келгусида сарфланиши режалаштирилаётган инфраструктура лойиҳаларига маблағлар манбасини аниқлашни;

- ДХШ муносабатларини мувофиқлаштирувчи институционал тузилма сифатида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда хусусий инвесторлар монополиясига йўл қўймаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- халқаро даражада мамлакатларнинг инфраструктурасининг ривожланганлик даражасини белгиловчи QI (Quality Infrastructure) индексига мамлакатимиз ҳам эга бўлиши учун алоҳида ҳукумат дастурини ишлаб чиқилиши;

- мамлакатимизда инфраструктурага йўналтирилётган инвестициялар, айниқса, хусусий инвестициялар миқдорлари, қилинган ва қилинаётган инфраструктура лойиҳалари ҳақида реал маълумотларни шакллантириш ва уларни фойдаланувчилар учун очиклигини таъминлаш, хусусан, The Global Infrastructure Hub каби халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтларининг маълумотлар базасидаги тадқиқотларида акс этишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда ҳам давлат-хусусий шериклик муносабатларида давлат сектори томонидан қатнашишида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига эркинлик бериш, маҳаллий инвесторлар билан ҳудудий даражада давлат хусусий-шериклик муносабатларини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳудудий даражада давлат-хусусий шериклик механизмининг ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан хусусий инвесторлар ўртасида шериклик муносабатларининг ҳуқуқий механизмларини яратиш;

Иккинчидан, маҳаллий инвесторлар учун инфраструктурани ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларда иштирок этишини рағбатлантириш (солиқлар орқали, молиявий имтиёзлар, алоҳида ҳуқуқлар ва шу кабилар) механизмини ишлаб чиқиш ва бу орқали хусусий инвесторнинг ДХШ асосидаги лойиҳаларда иштирокидан манфаатдорлигини ошириш;

Учинчидан, Молия Вазирлиги қошида ташкил этилган ДХШ агентлигида ҳудудларнинг инфраструктура лойиҳаларини амалга оширишда ДХШ даржасини ифодаловчи кўрсаткичларни тизимлаштириш, ва бу борада ҳудудлар рейтингини белгилаш, Ҳар йили ҳудудларда амалга оширилаётган ДХШ лойиҳаларини ривожланиш даражаларини ифодаловчи индекс (R_i)ни жорий этиш ва бу индекс орқали ҳар йили ҳудудлар инфраструктурасини баҳолаш ва яхшилаш борасида келгуси истиқболларни белгилаш лозимдир;

Буларнинг Ўзбекистонда ДХШ лойиҳалари бозорини ривожлантиришга, шунингдек, давлат ва хусусий сектор (маҳаллий инвесторлар) ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш ва пировард натижада мамлакат инфраструктураси даражасини халқаро сифат даражасига кўтариш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasy>, 28.12.2018

2. Mr. BikramShahi. Impact of Infrastructure Development on Society: A Case Study of the Narayan Municipality ward No. 1, Dailekh. Exam Roll No: 281391 T.U Registration No: 6-2-55-809-2004 Central Department of Rural Development Faculty of Humanities & Social Sciences Tribhuvan University Kathmandu, Nepal. August, 2012, p 6.

3. Nurske R., Problems of capital formulation in developing countries, Basil Blackwell, Oxford, UK.1953, p239.

4. Hirschmann A.O., The strategy of economic development, Yale University Press, New Haven, CT. 1958, p 96.

5. Biehl, D., The role of infrastructure in regional policy, OECD, Paris. 1994, p34.

6. Национальный центр ГЧП, <http://pppcenter.ru/assets/files/18102018-ruk.pdf>

7. Обломуродов Н.Н. “Давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш” *“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил, 3-бет.*

8. «Национальный Центр ГЧП», «Просто и честно об инвестициях в инфраструктуру и государственно-частном партнерстве в России» аналитической обзор, Москва, 2019, 96,101 ст.

9. Daniel F. R. Quality Infrastructure: Ensuring Sustainable Economic Growth .the Center for Strategic and International Studies (CSIS). January 2017, p4.